



Ушбу суратда «Турмарказ-курилиш»да бунёдкорлик ишлари олиб бораётган гишт терувчилар етакчиси (чапдан) Комил Иномов, гишт терувчи Акмал Боботаев ва Рашид Бобоҳужаевлар тасвирланган.

Сергей Любич олган сурат.

ЭРКИНЛАШТИРИШ — ОЛФА ИНТИЛИШИМИЗ КАФОЛАТИ

Шу ойнинг 25 кунгача барча турдаги кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар фаолиятларига оид ҳисоботларини янги тадбиркорлик қондалар асосида топширишлари белгиланди.

Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига, унинг иқтисодийнинг энг муҳим истиқболи бўлиб етишишига кенг йўл очилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қил-

шакли қандай бўлишидан қатъи назар (шу жумладан қўшма корхона бўлса ҳам) махсуслот, иш ва хизмат ишлаб чиқариш бўйича тадбиркорлик фаолияти юритувчи корхоналарга тааллуқли. Корхонанинг тури (яъни микрофирма, кичик ёки ўрта бизнес структурасига қарашлилиги) унда ишчиларнинг ўртача йиллик сони билан ўлчангани ва ҳисобот даврида Макроэкономика ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган «Ишга қабул қилинганлар сони ва маоши статистикаси бўйича» йўриқномага асосан белгиланади. Ушбу ҳужжат жойлардаги статистика бўлимларида тадбиркорларга бепул тарқатилади.

ишчи ва хизматчилар жалб этилган бўлса, унда ўрта бизнес структура тартиби бўйича аввалги ойлик ва бошқа шаклдаги чорак ҳисоботларига чек қўйилиб, шу йилдан бошлаб кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўз ҳисоботларини чоракда бир маротаба ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунгача топширадилар. Аммо «ТИФ» (ташқи иқтисодий фаолият) шаклидаги «Махсуслот ва хизматлар экспорт-импорт бўйича ҳисобот» тартиби ҳамма мулк шаклидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун сақланиб қолган ва бундай ҳисобот ҳар ойнинг учинчи кунига топширилади.

Кичик ва микрофирмаларга қарашли чет эл инвестициялари билан фаолият юритувчи субъектлар биринчи чорак ҳисоботидан бошлаб фақат биринчи соли «КБ» (кичик бизнес) ва биринчи соли «ТИФ» (ташқи иқтисодий фаолият) шаклидаги ҳисоботларини жойлардаги турман статистика бўлимларида топширадилар.

Хабарингиз борми?

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС: ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР

Агар корхона янги ташкил қилинган бўлса, унинг тури ҳисобот даврида ҳужжалик субъектининг қайд этилган қарорасида кўрсатилган ишчилар сони, аниқланади. Бунга тўлиқроқ аниқлик киритиб, корхоналар турлари қандай белгиланиши билан танишиш учун қуйидаги рақамларга эътибор қаратамиз.

Аввалмбор айтиб ўтиш кераки, ҳар бир соҳа бўйича статистика бўлимлари қондалар асосида иш олиб борадилар. Агар корхона транспорт ва алоқа соҳасига қарашли бўлса ва унда йил давомида ўртача ўн кишидан иборат ишчилар бўлса, бу микрофирма туридаги корхона дейилади, агар 11 кишидан 20 тагача бўлса — кичик корхона, 21 тадан 30 тагача ишчилар мавжуд бўлса — ўрта бизнес корхонаси ҳисобланади.

Моддий-техника таъминоти, қишлоқ ва ўрмон ҳўжаликлари, тайёрлаш, маълумот бериш хизмати, кўчмас мулк операциялар ва умумий тижорат асосида фаолият юритувчи соҳалар бўйича корхоналар тури ҳам айтиб ўтилган рақамлар асосида ишчилар сони билан белгиланади. Агар корхоналар улгуржи савдо, савдо ва умумий оқватланиш, уй-жой ва коммунал ҳўжалиги, ноишлаб чиқариш маиший хизмати, соғлиқни сақлаш, таълим, илм, маданият, молия, бошқарма ёки жамоа ташкилий соҳаларида иш юритсалар ва уларда беш кишигача ишчи мавжуд бўлса, микрофирма туридаги корхоналар дейилади, ўн кишигача — кичик, 20 кишигача ишчи бўлса, у ҳолда ўрта бизнес корхонаси деб аталади.

Агар саноат корхонаси ўн кишидан иборат бўлса, у микрофирма ҳисобланади, 40 тагача ишчи жойи ташкиллаштирилган саноат корхонаси кичик бизнес корхонаси дейилади, 100 тагача

ман статистика бўлимларида топширадилар. Аммо шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, агар кичик корхона жамоат корхоналари қаторидан ўрнида олиб, бюджет ҳисобидан иш юритса, меҳмурсувват ва диний ташкилот ҳисобланса ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаса, ўз ўрнида бундай субъектларга янги жорий этилган ҳисобот тартиби тегишли эмас, улар умумий қабул қилинган «Ишчилар сони ва маош фонди бўйича» қондалар шаклидаги ҳисоботларини жойлардаги турман статистика бўлимларида топширадилар.

Хуллас, кўриниб турибдики, кичик корхона ва микрофирмаларга яратилган янги шарт-шароит ва қулайликлар тадбиркорларга ўз хохиш-истакларини амалга оширишда катта имкониятлар берилади. Лекин шу ўринда ҳамма ҳўжалик субъектларига эслатиб ўтмоқчиман. Агар корхонанинг фаолияти даврида муассислик ҳужжатларига ўзгаришлар киритилса, унинг манзили, мулк шакли, фаолиятининг тури ва бошқа аниқликлар юз берса, албатта бу корхонадан қайтадан шаҳар статистика бошқармасида қайд қилиниши керак ва ўзгаришлар киритилган ҳужжатлар тайёр бўлгунча қадар ўн кун ичида ягона давлат регистрга кирганлик бўйича янги гувоҳнома олиниши шарт.

Шарҳни Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот гуруҳи тайёрлади.

дан 654 нафари иш билан таъминланди, 865 нафар фуқаро эса рўйхатга олинди. 1567 нафар фуқаро ҳодимларимиз томонидан зарур масалаларда олишди. 227 нафар фуқарога эса ишсизлик мақоми берилиб, уларга салкам бир миллион сўм миқдорда ишсизлик нафақаси тўланди. 183 нафар фуқаро янги мутахассисларга тайёрлаш бўйича ўқишга юборилиб, ўқишни муваффақиятли битириб чиққан 153 фуқаро ишга жойлаштирилди. Булардан ташқари 1154 та янги иш жойлари жорий қилинди.

Кўриб турганимиздек, аҳолининг иқтисодий ҳимояси давлат аҳамиятидаги энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Меҳнат органини ҳодимлари бундан кейин туман аҳолисини иқтисодий ҳимоялашдек ўз масъулияти бурчларини оғишмай, сидқидилдан амалга ошираверадилар.

Очил ҲАЗРАТОВ ёзиб олди.



№4 (99) Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг иловаси

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш экологик вазиятини соғломлаштириш бориб, уни ўз ҳолатида сақлаб туриш инсоният олдидagi долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Табиатнинг бебаҳо манбаларидан наза-партияси фойдаланиш, унга нисбатан қўпол, ваҳшийларча муносабатда бўлиш, ер қуррасида экологик мувозанатларнинг бузилишига олиб келмоқда. Натижада қўлимизда турди офатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан оқилона фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилишининг боиси ҳам ана шунда. Бизда 1999-2005 йилларга мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилган. Шу режада биринчи кўзда тутилган нарсаси — мамлакат аҳоли-

бу ишни муқим давом эттириб табиат буйича 9 марта телекўрсатувлар, 7 марта радиоэшиттиришлар уюштирилди. Рўнома-ларда бир қатор мақолалар чоп этилди. «Экосан» халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кўнига бағишлаб, ҳар йили Мирзо Улугбек боғида «Оила ва экология — болалар нигоҳида», «Табиат — чекмасин азият» каби намунали тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Айниқса, шаҳарда атмосфера ҳавосини ифлосланишдан сақлашда «Тоza ҳаво» тадбирининг бир йилда икки марта баҳор ва куз мавсумида ўтказилиши ижобий натижалар бермоқда. Мазкур тадбирлар самараси атрофлича таҳлил қилинмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўнунларига зид иш тутайтган автотранспорт корхоналарининг манфаатдор шахсларига нисбатан маъмурий ва интизомий чоралар қўрилмоқда. Албатта шаҳарда атроф-муҳитни муҳофаза

Туманларда ДАСТУР АСОСИДА

Шаҳримизнинг Чилонзор туманида жойлашган 2-троллейбус саройи пойтахт корхоналари орасида экологияга энг тоza бўлган жамоалардан бири ҳисобланади. Корхона аҳли йил бошидан «Соғлом авлод» дастури асосида табиатни муҳофаза қилиш йўлида бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Ушбу режада келтирилган барча масалалар бошқарма-бошқаруш ишчи-сини тоқмоқда.

Айни дамларда саройда Соғлом авлод йили бўйича ҳайвот ёзқлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг сафига соҳанинг билимдон кишилари, фидойилар жамланган. Уларнинг эътибори билан ишчилар орасида кам таъминланган оилалар ва ногиронларга алоҳида ҳиммат кўрсатишмоқда. Муҳтожларга моддий ёрдам беришмоқда.

Бу ҳусусда қар борганда корхона касабаси уюмаси раҳбарияти томонидан амалга оширилётган ишлари ҳам таъкидламоқ жоиз. Уюшма-нинг хайрхоҳлиги билан ногиронларга, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига соғломлаштириш шарт-шароитлари яўлланмалар ажратилмоқда.

Хозирда корхона мутасаддилари жамоада хизмат қиладиган ишчи ва ҳодимларнинг болаларини ёғи таътилини намунали ўқитиш борасида Чўпонотадаги 400 ўринли, Оқтош ҳудудида жойлашган 300 ўринли оромгоҳи сифатли таъминланган чиқаришда. Бу сифатларда болалар ёғи таътилини мароқли ўтказиб, дам олиб қайтишди.

Бундан ташқари корхона саройига яқин бўлган 165-мактаб ва 208-болалар боғчаларини ўз оғалига олган. Хусусан, шу йилнинг ўзига болалар боғчасига 63 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Мактабга эса 55 минг сўмлик турли ўқув жиҳозлари олиб берилди.

Яна бир ибратли томони шундаки, сарой аҳли шаҳар бўйича ўтказилган тозалик ва ободонлаштириш йилгида самарали қатнашди. Жамоада уюштириб туриладиган хашарлар тўғрисида унинг барча ҳудудлари ҳамма ошад ва кўркам қиёфа касб этиш туради. Бир сўз билан айтганда Соғлом авлод йилида Тошкент шаҳар ҳокимининг 722-сонли қарорига асосан табиати муҳофаза қилиш бўйича режалаштирилган барча ишлар намунали олиб беришмоқда.

С. ИСМОИЛОВ, Табиати муҳофаза қилиш нозир.

Муҳофаза

ТОЗА ҲАВО — ТАНГА ДАВО

сига соғлом муҳит яратишдан иборатдир. Иккинчидан эса табиатдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий ресурсларнинг озаийши натижаида етказилган иқтисодий зарарни қаматириш зарур. Учунчидан, Ўзбекистон табиатининг энг нозик ва қимматбаҳо манбаларини, айниқса унинг ўсимлик ва ҳайвотот дўниси муҳофаза қилишга эътибор қўйибди. Қўрилган чора-тадбирлар боис, ҳозирги кунда кишиларимиз оғида, тафаккурда атроф-муҳитга муносабат тобора шаклланиб бораёпти. Уларнинг экологик дўнқараши тўдан ўзгаришти.


Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ҳам бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда. Қўмита ўз иш режасида халқ таълими тизими, олий ва ўрта махсус таълими, биоэко-сан, «Экосан» халқаро жамғармасининг шаҳар бўлими, мавжуд корхона, ташкилот, муассасалар, 474 тадан ортиқ ўз-ўзини бошқарув орган бўлими маҳалла қўмиталари ва бир қатор жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳоли ўрнатишда ахборот воситалари ёрдамида турмуш-ишларини кенг йўлга қўймоқда. Хусусан, ўтган йилда экологик маънавиятни янада тақомиллаштириш борасида турли мавзуларда 13 марта тадбир ўтказилди. Улардан еттитаи мактабгача тарбия муассасаларида ва мактаб ўқувчилари билан биргў ўтказилди. Шунингдек, 14 марта телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ташкил этилди. Газета ва журналларда чиқишлар қилинди. 2000 йилнинг шу кўнига қадар эса,

қилиш қўнунларини бузиш ва унинг олдин олиш чораларини кўриш билан боғлиқ бўлган бундай тарғибот ва ташвиқот ишлари аҳолининг ҳар томонлама экологик савиясини ошишига самарали таъсир кўрсатяпти. Шу боис ҳозирги кўнга келиб аҳолининг табиати муҳофаза қилиш бўйича қўнунларини муҳофаза қилиш бўйича қўнунларига зид иш тутайтган автотранспорт корхоналарининг манфаатдор шахсларига нисбатан маъмурий ва интизомий чоралар қўрилмоқда. Албатта шаҳарда атроф-муҳитни муҳофаза

«Келажагимиз ва экология» кўрик-танловининг ўтказилиши ҳам табиати муҳофаза қилиш йўлида катта бир синов бўлди. Танловда бир қанча мактабларнинг жамоалари ғолиб деб топилди. Мировоб, Мирзо Улугбек туманидаги 32 ва 493-боғча болалари ҳам ушбу кўрикда намунали қатнашганликларига эътиборга лойиқдир.

2000 йил Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши ҳар томонлама атроф-муҳитни ҳам соғломлаштиришга ундайди. Бунинг учун халқимизни, айниқса ёшларимизнинг экологик маънавияти савиясини янада юкори поғонага кўтариб боришимизда тарғибот эканлигини унутмаслигимиз керак.

Эрмулин ЧўПОНОВ, Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш илмий-техника тарғибот бўлими бошлиғи.



Қайиқда сайр қилишнинг завқи ўзгача бўлади.

Текширувлар

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, сув манбаининг озадаллиги бўйича бир қатор текширувлар ўтказди. Қўмита давомийда бир қанча қўндабузарликларга дўч келинди. Келинг, далилларга мурожаат қилайлик.

ЖАРИМИНИНГ БОИСИ НИМАДА?

◆ «Автотеххизмат» ҳиссдорлик жамиятига қарашли станцияда маиший чиқинди тўплаш жойидан таъмирлаш бўлими устаси С. Гуломовнинг эътиборсизлиги тўғрисида ахлатлар ўз вақтида олиб кетилмаган. Мана шу масъулиятсизлик тўғрисида унга 2000 сўм миқдорда жарима солинди.

◆ 2-темир-бетон бўйимлари корхонасида рухсатсиз захарли чиқиндиларни атмосферага чиқарганилиги учун корхона бош муҳандиси М. Орифжонов ҳам ўзига яраша жазоланди. У 5250 сўм жаримада тортилди.

◆ Шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг рухсатсиз ўзбошимчилик билан дархатларни кесганлиги учун 314-ўрта мактаб директори М. Отаҳужаев 3500 сўм жарима тўлашга мажбур бўлган.

◆ «Тара-таъмирлаш» ҳиссдорлик жамиятининг бошқарув раиси ўринбосари Ш. Рус-тамовга корхонада яроқсиз ҳолга келган ёри-тқич лампаларни ўз вақтида чиқариб ташла-маганилиги учун 2000 сўм жарима солинди.

◆ Тошкент электротехника корхонасида ишдан чиққан ва йиғилиб қолган люминисцент лампаларини яроқсизлаштириш чораларини кўрмагани учун бош нурсоз Б. Веч-кутов 2000 сўм жаримада тортилди. Шунинг-дек, транспорт бўлимининг бошлиғи О. Франк ҳам транспорт воситаларидан чиқётган зарарли моддалар текширувини ўз вақтида назорат қилмаганилиги тўғрисида 5250 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

◆ Текширувчилар Тошкент метросининг «Ёшлик» бекати ва «Чилонзор» электр де-посида люминисцент лампаларнинг синди-рилиши натижаида атмосфера ҳавосининг ифлосланишига йўл қўйилганилигини аниқ-лашди. Бу ишга йўл қўйган мутасаддилар 1750 сўм жарима тўлашди.

◆ Тошкент Отчопари кўкаламзорлашти-риш бўлими бошлиғи Н. Бейкич рухсатсиз дархат кесганлиги учун 2000 сўмлик жарима-га тортилди.

◆ Яроқсиз ҳолга келган артезиан қуду-гини консервация қилиш ёки ишлатиш чора-тадбирларини кўрмаганилиги сабабли Тошкент чинни ишлаб чиқариш ҳиссдор-лик жамияти бош нурсози Р. Қўрбонова 2000 сўм жарима солинди.

◆ Ўзбекистон тўқимачилик машинасоз-лиги ҳиссдорлик жамияти бош муҳандиси ўринбосари Р. Ағишин махсус рухсатнома-сиз сўвдан ўзбошимчилик билан фойдалан-ганлиги учун 5200 сўм жарима тўлади.

◆ «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳудудидаги чиқиндиларни таш-лаш жойида люминисцент лампаларнинг синиқлари аниқланган. Ўзида симонин сақ-лаган лампаларни атмосфера ҳавосига, ин-сон ва ҳайвотот организмга зарарли экан-лигини ҳисобга олманган корхона бош нурсози А. Макаров ҳам 1750 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Ҳайвотот дўниси

ҚАСОСИНИ ОЛГАН ФИЛ

Ҳайвонлар яхши ки-шини ҳамма эсда ту-тади. Аммо уларнинг ранжитганларни асо-укутмайди.

Бир артист отта дағал муомала қилар, бўлар-бўлмасга хитчинлайверар-ди. Аламзада бўлиб юрган от бир кун пайт пойлаб, ўша артистнинг қўлидан тишлаб, чўрт узиб ташла-ган экан.

Филлар ҳам қасоскор бўлади. Ҳайвон ўргатувчи-нинг филига ишчилардан бири доимо тегашоғлиқ қиларди. У филларга ян уза-тар, лекин бермай, она қайтариб олар, ё бўлмаса ҳартумидаги сезир ва нозик тўки юларди. Борин-ки, филнинг жонига шун-дай теккан эдики, асти қўйверасиз. Ҳайвон уни кўрди дегунча, бесаран-жомланиб, ўқирар, овқла-ри билан ер денсинарди.

Қўнларнинг бирида фильни сўғоришга олиб чиққан ҳизматчилар ораси-да ҳалиги қитмир ишчи ҳам бор эди. У анқайди, филга жуда яқин бориб қолганини билмай қолди. Шу пайт фил ҳартуми бил-лан уни бир четта тортиб, деворга шундай қисқиди, бечора тил тортайи жон берди.

Мақолаларни Мақсуд ҚОБИЛОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республиканинг «Аҳолини иш билан таъминлаш бўлими»даги қўнун республикадаги фаолият кўрсатилган меҳнат органини таъминлашга қатнаш масъу-лият қўлади. Иш сўраб мурожаат қилган ишсиз фуқароларни асқатига қароб иш билан таъминлаш, бунинг имконияти бўлмасан тақдирда уларни касб-хўнар бўйича ўқинларга жойлаштириб, янги мутахассисларга тайёрлаш, ишга жойлаш олимай оран шаҳарларга ишсизлик нафақаси тайинлаш, меҳнат органиларнинг асосий ва-ли-фаларидандир.

— Маҳалладаги банд бўлмаган аҳолини ишга ва ўқишга жалб этишда, асо-сан ёшларнинг бандчилигини таъминлашда меҳнат ин-спекторининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Ёш қизларимиз-га мос келган ҳўнар ва удумларни, миллий ҳўнар-мандчилиги асослари «Уста — шогирд» услуби ёрдами-да ўргатишмоқда, — дейди биз билан сўхбатда Бекте-мир тумани меҳнат органи бошлиғи ўринбосари Тош-бу Жанқулова. — Меҳнат органи томонидан ташкил этилган миллий ҳўнарман-дчилик ёсотида «Уста — шогирд» дастури бўйича фаолият кўрсатаётган «Дур-дона» ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси шу йилнинг апр-ель ойидан бошлаб ишга

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — ЭЪТИБОРДА

гушди. Унда қўлаб аёллар ва қизлар касб-хўнар эгалла-моқдалар. Гузал хотин-қизла-римиз оддий игна ёрдамида катта маҳорат билан бетак-дор санъат асарларни яратмоқ-да.

Бугунги кун ўзбек аёли турли жабҳаларда ҳаётимиз-га кўрк бўлиб турибди. Опа-сингилларимиз бу момо-

рос ишимизни жон-дили бил-лан, зўр иштиёқ, ҳавас бил-лан ўрганимоқдалар. Халқи-мизнинг талабини қондириб биринчи бош масала бўлса, шогирдларнинг моддий ман-фаатдорлигини таъминлаш асосий мақсадимиздир. Жорий йилда Меҳнат органи-мизда 2432 нафар фуқаро мурожаат этган бўлса, шулар-

(Давоми.)

Боши газетанинг 45,46-сонларида).

Узоқни кўра олмайдиган одамгина ёшларни юқоридаги йул билан махсус тайёрлаш ўзбекистоннинг ўз танлаган мустақил, демократик, ҳуқуқий, дунёвий давлат қуриш йўлини ичдан қўллайдиган чет эл махсус хизматларининг кўмагисиз амалга оширилганини тушунамаслиги мумкин. Бу каби тайёргарликлардан асосий мақсад — зўрлик ва қўрқот билан давлат тўғрисидаги амалга ошириш ва мавжуд конституцион тузумни ағдаришга уришидир.

Тақдирнинг ўйинига эътибор беринг, Тошкентдаги портлашлардан ропла-роса бир йил олдин, 1998 йил 16 февралда Республикамиз Ташкил ва тартиб қўриш бўлимидаги ўзбекистон ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилган эди.

Брифингда охирига пайтлар Покистон ҳудудига ўзбекистондаги вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган айрим экстремистик марказлар ва ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ бўлган салбий ҳаракатлар содир этилаётгани қайд этилган эди.

Брифингда баён этилган маълумотларни эслаб кўрайлик: «Хезби ҳаракати Жиход», «Даъват ул Иршод» ва «Покистон ислом уламолари жамияти» каби ташкилотлар ёрдамида асосан ўзбекистоннинг Фарғона водийсидан бўлган ёшларнинг Пешовар шаҳри яқинидаги диний ўқув юртида таълим олиши амалга оширилди.

Уқиб жараёнида ҳаётий тажрибаси бўлмаган, дунёқарши ва қатъий фикри шаклланмаган бу ёшларга экстремистик фикрлар, жиход ва ваҳобийлик гоялари сингдирилди. Сўнгра 6-7 ой давомида улар ҳам Пешовардаги ҳам Афғонистондаги толиблар назорати остида бўлган ҳудудларда жойлашган махсус лагерларда кўпуровчилик фаолиятининг турли шаклларида ўргатилди.

Маъзур «махсус тайёргарлик»дан сўнг ушбу «тингловчилар» хуфёна йўналишлар, асосан, Тожикистон ва Қирғизистон орқали ўзбекистонга махфий кўпуровчилик фаолияти олиб бориш учун қайтмоқдалар.

Турли манбалардан олинган маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда Покистондаги яширин ўқув марказларида Марказий осийёликлар, асосан тожикистонлик ва ўзбекистонликлардан 400 киши таълим олмақда. Жумладан Исламободдаги «Жума ул-Санифия», Мардон шаҳридаги «Тобон» масжидларида ислом жангариларининг мафқуравий тай-

ёргарлиги амалга оширилса, Пешовардаги Арбат Роуд ҳудудига ва Жалҳоза, Шамшату ва Оқули Хатта кишлоқларида уларнинг махсус тайёргарлиги амалга оширилмаган ўқув марказлари мавжуддир.

Фарғона водийсидан 15 дан ортиқ киши Лаҳор вилояти Рейванд шаҳридаги «Даъвати таблиг» ислом марказида 5 ойлик махсус тайёргарлик ўтишган.

Бу марказлар фаолиятининг пировард мақсади, ўта экстремистик руҳдаги диний мафқуранинг мурасасиз тарафдорлари, фанатик қарашлари исломнинг тинчликсевар тамойилларига мос келмайдиган қимсаларни тайёрлашдир. Бундай қимсалардан эса кўпуровчи-

слар тўғрисида бир оғиз сўз. Абдували Йўлдошев 1997 йилнинг кўп-кўнуду қуни Наманган шаҳрида икки милиция ходимини отиб, Тожикистон ҳудудига қочиб келиб, қонқўр сафдоши Жума Намангонийнинг асосий жалоди бўлиб олган собиқ масжид имомидир.

А. Йўлдошевни фақат қонқўр десак, камлик қилади. Шу йилнинг май ойида адашганликларини англаб, Ўртабосиимизнинг ўзбекистонга қайтиб келиб кечирим сўрасалар, авф этиладилар деган мағфиратидан умидвор бўлиб, ота-оналари, бола-чақалари ва ёр-дўстлари ҳузурига қайтаётган 17 нафар жувонмардининг қалласини олиб, шариятга ҳилоф равишда бир чўқур қавлатиб, инсонларни ҳаром ўлган ҳайвондек кўндриб юборган шахс ҳам Абдували Йўлдошевдир. Таъин бу зот ўзига «Абдулазиз», яъни «Аллоҳнинг қули» лақабини танлаганига нима дейсиз!

Унинг ҳамюрти Толиб Мамажонов ҳам сизга таниш. У бирор-бир мўйи сескамасдан телевизор экранидан марҳум Наманган вилояти ҳокимининг муовини Эркин Маматқуловни сўйгани, ДАН ходими Боқижон Убайдуллаевнинг шахид бошини кесиб олиб қариндошининг дарвозасига илдиригани ҳақида гапириб берган эди. Т. Мамажоновга суд ҳукми билан ўлим жазоси тайинлангани ҳам маълум. Лекин у суд ҳукмидан олдинроқ Яратганининг қаҳрига дучор бўлган эди. У ўзининг муштирақ насаби томонидан олдинроқ оқ қилинган сир эмас.

Хуқуқни муҳофаза қилиш идораларига қарши қўпуровчилик фаолиятларини қучайтирмақдалар. Мазкур фаолият юртимизнинг турли ҳудудларида, айниқса, Фарғона водийсидан ислом экстремистик гуруҳларидан ташкил топган антиконституциявий тузилмаларни қўллаб-қувватлашда ёрқин намоён бўлмақда. Бу антиконституциявий тузилмаларнинг ўзгаича Тохир Йўлдошев ва Жумабой Хожиев (кўпроқ «Намангоний» лақаби билан танилган) каби 1991-1992 йиллар Наманган вилоятида антиконституциявий чикишларни уюштириш ва тожиқларро қўрқотли тўқнашларда Тожикистон Республикасидаги ислом экстремистлари томонидан қатнашуви билан танилган қаззоб қимсаларнинг тарафдорлари ташкил қилади.

Одил РАҲМАТОВ.
(Давоми бор).

Матбаа

ЯНГИ
ТУРКУМДА

Ўзбекистонда
«Ўрта Осиё мадания-
ти ёзма манбаларида,
хўжжатида ва ма-
териалларида» деган
туркумда китоблар
чиқаришга киришди.

Бундай нуфузли на-
шрларни чоп этишда
«Очкў жамият — Ўзбе-
кистон» («Сорос» жам-
ғармиси) институтининг
иштироки ва амалий
ёрдами қатта бўлмақда.
Ушбу туркумнинг би-
ринчи китоби сифати-
да рамзий маънода
Ўзбекистон халқ арти-
сти, машҳур бастакор
Мутал Бурхонов ҳаёти
ва ижодий фаолияти
тўғрисида ҳикоя қилу-
чи монография яқинда
босилиб чиқди.

«Мутал Бурхонов» ки-
тобининг муаллифи
профессор Т. Янов-
Яновская номи бундан
бир неча йил олдин
Кембриж биография
марказининг фахрий
руйхатида қиритилган
бўлиб, Америка биогра-
фия институтининг
яқинда чоп этилган на-
шрида ҳам қайд қилин-
ди.

Акбар АЛИЕВ.

Шарқ гурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРТАНД
ДОМО БУЛАВ...

● Хикмат. Бир тўда кишилар Бузургмехр ҳақим-
га дедилар: «Баъзи ҳикматли гаплардан бизни огоҳ
қилсанг. Фойдали ва зарарли нарсаларни билиб,
унга амал қилайлик ва сени дуо қилиб юрайлик».

БАЙТ:

Эй сен, маълумларга ёлмағил эшик,

Ён-верингда юрар қанча бечора.

Хислатингдан қадаҳ тутиб уларга,

Лутфинг марҳамидан айлагин чора.

● Ҳақим деди: Эшитинг ва ёд олинки, тўрт на-
са кўзни ўткир ва равшан қилади:

БАЙТ:

Биласанми, агар оқил кишилар,

Ҳождатим тушмасин деса табиғга.

Бахти юз кўрсатса бокқай доимо,

Сабза, оқин сувга, соф май, ҳабибга.

Тўрт наса кўзни хира қилиб, нурини кеткизади:
шўр овқат емок, бошдан қайноқ сув қуймоқ ва душ-
ман юзини кўрмоқ.

БАЙТ:

Бошингдан қайноқ сув қуйсанг кўз оғрир,

Душмани кўрмоқдан бундан оғирроқ.

Қайноқ сув қуйсанг ўтга тутсанг бош

Душмани кўрдан минг бор яхшироқ.

● Олти наса жоҳиллик аломатидир. Биринчи,
беҳуда газабланимоқ. Иккинчи, фойдасиз сўзламоқ.

Учинчи, ноўрин совға қилмоқ. Тўртинчи, барчага
ишонмоқ. Бешинчи, дўстни душмандан ажратмас-
лик. Олтинчи, нафсига эрк бермоқ.

БАЙТ:

Оқил газаб келса сабр қилади,

Беҳудага газаб қилади нодон.

Фойдасиз сўзларни гапирса ҳар ким,

Изати кам бўлар эл ичра ҳар он.

Ақл қисқалиқдан кўп яхши нишон.

Хушёр бўлсанг ёмон ишларни қилма,

Оқил ёмон ишни қилади қачон?

Нафси жиловига эрк берса ҳар ким,

Балолар ўқига бўлади нишон.

● Хикмат: Ваҳоб бин Маънаннинг айтишича, ҳий-
ладан холи бўлмаган олим ўғридир. Ақл либосини
киймаган ҳар бир одам ҳайвон билан тенгдир.

Нодон хато қилса, раводир унга,

Айб қўйиб бўлмас, йўлни билмайди.

Ҳайвондан минг марта ёмонроқ ҳар ким,

Йўлни билиб унга амал қилмайди.

Муниддин ЖУВАЙНИЙ.

● Ҳикоят: Луристон вилоятида бўлган пайтимда
бир киши мен билан суҳбатдош бўлиб қолди. Унинг
хислати ва сифатини тахрир қилишга қалам ожиз
эди. У барча ёмон сифатларни ўзида мужассам эт-
ган эди.

Қитъа:

Унинг танбаллигидан одам жондан тўяди,

Ҳар ким у билан бўлса бир нафас агар ҳамроҳ.

У шундай дангасак, кўз очгиси келмайди,

Танбалликдан нафас ҳам олгиси келмас, эвоҳ!

У хурсандчилиқни ҳеч қачон ўзига яқинлаштир-
маган, Очқўлиқдан эса тўқлик нималигини билма-
ган эди. Агар унинг олдига ноз-неъматлар қўйсанг,
дўзах меъдаси кўпроқ келтир деб наъра урарди.

Байт:

Елгон билан лоф-қоф ургани замон,

Тенг келолмас унга ҳеч қиссахон.

У доимо маҳол сўзларни гапирар, тили олов каби
ўткир, табияти эса Аби Лаҳаб хотини каби фитна
қўзғотувчи эди... У ҳатто кўр кўздан нур чиқарар,
чумоли туҳумидан оқини айириб олар, ундан на
оғиздаги тиш омонлик топарди-ю ва на кўз кипри-
ги сокинлик.

Қитъа:

Бахму яқовлигин қандай баён қилайин.

Барибир ишониммас айласам шарҳу баён.

Унинг ташлаб номига тегмаёй асло қўлинг,

Икки йиллаб уйда ўтирсанг бўлиб меҳмон!

Хулласи калом, сафарда ҳамроҳ бўлганимиздан
дилимиз қон, ҳаётда унга дуч келганимиздан
кўнглимизда афгон эди. Қайга бормайлик ажалдек
ортимиздан қувиб юрар, қайда ўтирмайлик боло-
дек бошимизда ҳозир турар эди. На ундан қути-
лиш имкони-ю на ажралиш поёни ва на манзили-
нинг ном-нишонин бор эди. Бахтли кунларнинг би-
рида сафарга кетаётганимизда бирдан қароқчилар
ҳужум қилиб қолди ва икки ўртада жанг бошланди.
Улар ғолиб келишди ва барча молимизни тортиб
олишди. Бир турк уни таниб қолди ва деди: «Бу
қотил қочқиндир, у ўзини билдирмай сизларга қўши-
либ олипти!» Биз дедик: «Нимамишни олсанг олди,
уни ҳам қўйиб олиб кет! Агар бизни ундан қутқар-
санг молимиз сен учун ҳалол бўлади!» Турк қулди
ва уни орамиздан олиб кетди.

Ундан халос бўлгач, шукроналар айтиб, бир-би-
римизга дедик.

Қитъа:

Очарчилик, муҳтожлик, қарзу талашишдан

Ёмон билан суҳбатдош бўлмоқ оғирдир ҳардам.

Ёмоннинг суҳбатидан омон бўлайлик доим,

Ундан енгилақ эрур бахтсизлик, қайгу алам.

Синалмаган киши билан сафарда ҳамроҳ бўлма,
сўнгги пушаймоннинг фойдаси йўқ.

● Ҳар ким эолим билан дўстлик қилиб: «Мен
унинг зулмидан қутулиб қола оламан» деса, бу худ-
да афсусгарнинг илонни аврашига ўхшайди. У
илонни аврайд, аммо илон унга ниш уришни пой-
лайди.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.

ОГОҲЛИК —
МУҚАДДАС БУРЧ

лик ҳаракатларини амалга оширувчи, вазият-
ни беқарорлаштирувчи, аънавий ислом не-
гизларига пугур етказувчи, конституцион ту-
зумга қарши курашувчи, охи-оқибатда Мар-
казий Осиё ҳудудига ўта экстремистик шакл
ва мазмундаги ислом давлатларини барпо эту-
вчи жангари гуруҳлари ташкил этилади. Ўзе-
кистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари
бугунги кунда ушбу фикрни тасдиқлаётган
далилларга эга.

Масалан, Абдували Йўлдошев ва Толиб Ма-
мажонов бошчилигидаги босқинчи гуруҳлар-
дан бири 1994-1997 йиллар давомида Наман-
ган вилоятида бир қатор ўта оғир жиноят со-
дир этганлар. Тергов давомида аниқланган-
дек, гуруҳ аъзолари Покистон ва Афғонистон-
да махсус тайёргарлик ўтиб, Тожикистондаги
жанговар ҳаракатларда қатнашганлар, ваҳо-
бийлик гояларини тарғиб қилиб, Ўзбекистон-
нинг конституциявий ҳукумат идораларини
зўравонлик йўли билан ағдариб ташлаш за-
рурлиги ҳақида очикдан-очик гапирганлар.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси Ташқи
ишлар вазирлиги Покистон ҳукуматига, ушбу
салбий хатти-ҳаракатларга чек қўйиш учун ма-
зкур мамлакат қонунлари доирасида чора-тад-
бирлар қўришни сўраб, расман мурожаат эт-
ган эди.

Шу ерда юқорида номи тилга олинган шах-

бахт-саодати, эл-юрт равнақи йўли-
га баҳида этган, маърифатпарвар-
миллатпарвар буюк зотлар — Аб-
дулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон,
Усмон Носир, Зиё Саид... Яна қан-
чадан қанча сон-саноксиз кишилар
— Истиқлол йўлида жон олиб жон
берганлар ўтадилар.

Бу ерда уларнинг қабри йўқ. Бу
жойларда Бўзсув электростанцияси
ҳамда гишт ҳумдонларининг қури-
лиши туфайли тупроқлар сурилган,
шу муқаддас тупроқдан гишт ҳам
қуйилгандир...

Хотира, хотиралар... Хотира —
ўтмиш билан бугунни боғловчи ўзи-
га хос кўприқдир. У бизга келажак
учун зарурлигини доимо ҳис эти-
шимиз керак. Ўтмишни эсламас-
лик — бугуннинг

қадрига етмай
яшамокдир. Дар-
ҳақиқат бугунги
қунимининг,
ҳозирги турмуш
тарзимизнинг
қадрини, мазму-
нини англаш
учун ўтмиш тари-
химизнинг ёрқин
саҳифаларига му-
рожаат этамиз,
эзгулик учун ку-
рашганларни хо-
тирлаймиз.

Хотира шунчаки бир тadbир
эмас, у кишиларга инсонийликни
англаиб турувчи ёлқиндир. Ўтмиш
бизда хотира туфайли яшайди, у
ишларимизда барҳаёт. Бизга ҳаёт-
бахш куч беради ва истиқболга чор-
лайди.

Дунёдан қанчадан-қанча киши-
лар ўтдилар. Уларнинг фидойили-
ри тарих оқшларига айланиб кет-
дилар. Оқшунинг ҳайқирғи — ха-
лқнинг армони ва дардирид.

Назаримизда «Шаҳидлар хотира-
си» ёдгорлик мажмуида ташриф бу-
юрувчилар бу ердан ўтганлар хоти-
расини бир дақиқа ёдга олиб, яшаб
турган ҳаётлари нақадар азиз экан-
лигини ҳис этсинлар, қалбларида
унсиз нидо қилиб чиқсинлар. Шу
ўринда ташриф буюрувчиларга бади-
ий-руҳий таъсир эттиш тасвирий во-
ситаларида, нафис кўрғазма воси-
таларида таъсирланиб чиқсинлар,
токи инсонлар бу мажмуадан ўзла-
рини ангайсинлар.

Дил сўзларини мухтасар этар
эканман, кўнглимдан қуйидаги мис-
ралар қуйилиб ўтди:

Маънавият оламида
бунёдкор халқимиз,
Маърифат тарқатган
доншманд Шарқимиз.
Биз ким инсонлар
ажодларданмиз,
Инсон руҳи поки улуг туйғумимиз.
Билал АМИНОВ,
тарих фанлари номзода,
элшунос, Ўзбекистон Республика-
си «Тасвирий ойна» ижодий
ушмасининг аъзоси.

Инсон хотираси — муқаддас

ҚАЛБЛАРДАГИ
УНСИЗ НИДОЛАРҚололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолгуси яхши ному иши.
Саъдий ШЕРОЗИЙ.

гоҳлар олдида отдан тушиб, таҳ-
рат олгач, яланг оёқ билан бориб,
зиёратни ўринлатдим. Аркону дав-
лат, барча мулозимларим ҳам зиё-
ратгоҳларни ана шундай тавафқ эт-
моқни одат билишди», деган сўзла-
ри ҳаммамизга ибратлидир.

Мана шу ҳолатни бир зум чин
юракдан ҳис этинг-а, қандай оли-
жаноблик фазилатини бошдан ке-
чиримиз. Ўша одамлар зиёратгоҳ-
лардан аста ўтиб борар эканлар, ўз
нижонлари билан гойибона фикр-
лашибган, ёмонликдан фориғ
бўлишни дилга тутишган, эзгулик-
ни ният қилишган, чарчаб, асабла-
ри лойқаланиб келаётган ҳар бир
киши мана шу ердан ўтганлар ру-
ҳини ёдга олиб, юраклари таскин-
тасалли топган, асаблари тиниқлаш-
ган.

Муҳтарам Ўртабосиимизнинг Ва-
танимизга жонбахшида этган, фи-
дкор ўғлонлари хотирасини аба-
дийлаштириш ҳақидаги: 9 Май —
Хотира ва Қадрлаш кўни ҳамда
пойтахтимизнинг Юнусобод туман-
ида «Шаҳидлар хотираси» мажму-
ини қуриш ҳақидаги ташаббуслари
ва бундай улуг ва савобли ишларга
шахсан ўзлари раҳбарлик этаётган-
ликлари ҳар қанча таъсирларга
лойдқид.

Қурилатган «Шаҳидлар хотира-
си» ёдгорлик мажмуи ёнидан ўтиб
борар эканман қалбим ларзага ту-
шди, ҳаёлим қочади. Тўғроқсиз —
бегуноҳлар... Бир зумда ўз азиз ум-
рини эзгулик ва ҳурриятга — халқ

Инсон руҳий оламнинг ўзи
бир олам. Одам боласи мод-
дий-иқтисодий эҳтиёж билан
бирга, маънавий-маърифат
қадриятларига ҳам доимий ра-
вишда ташналик, руҳий ола-
мида гўзаллик ва анъаналарга
чанқоқлик сезилиб туради,
сабб-ҳаракат билан мана шу
руҳий мадад ва қониқшига иш-
тида.

Миллий анъаналарни, урф-
одатларни ва инсоний қадрият-
ларни ҳурматлаш, эъзозлаш ва
асраб-авайлаш халқнинг маъна-
вий истакларини қондириб, жа-
миятга, яшаб турган тузумга
меҳр-муҳаббатини оширади.

Она заминимиз-
да яхши дуолар му-
стажоб бўлиб, тин-
члик ва ҳамжиҳат-
лик барқарор бўлиб
турибдики, халқи-
миз фаровон кун-
лар умидида фило-
корлик билан меҳ-
нат қилаётти, иро-
даси руҳий мадал
бераётти. Прези-
дентимизнинг халқ-
чил сиёсати, раво
йўлдан мунаввар
манзилга дадил
бошлаб бораётгани маънавий қад-
риятларимизни, маданият ва маф-
курамизни юксалтиришга қаратил-
ган барча гоя-тадбирлари ижобий
натжалари билан намоён бўлаяп-
ти.


Инсонга меҳр-шафқат, садоқат,
ҳурмат-иззат, миллатлараро сами-
мийлик, меҳрибонлик, ҳамкорлик,
ҳамжиҳатлик, руҳий поклик сари
қуйилган қадам мана шу оламий-
лик қадриятини, миллат урф-ода-
ти ва анъаналарини эъзозлашдан
бошланади.

Халқимизнинг ҳурмат-эҳтиром-
ли анъаналари, урф-одатлари ва
ўзига хос расм-русумлари борки,
улар яхши фазилатлари, элимиз
дида-руҳиятига мос хислатлари би-
лан асрлар оша яшаб келаяпти.
Шундай инсоний анъаналаримиз-
дан бири марҳум ва марҳумаларни
эслаб хотирлаш, улар дафни этил-
ган қабристонларни тартибга со-
лиш, саранжом-саринишга этиш,
тинч-сокин қабристонларда ҳамду
санолар айтиб турсин учун гул-бу-
талар ўстириш каби тадбирлар
қўриш ўзигимизни англашга ҳам
қатта хизмат қилади. Кимки ўз
ўтмишига ихлос билан қараса қўл
эмас, чўғ олади. Чўғ қалбада яхши
ниятни, пок ҳамият гулханини
аланглайди.

Бинобарин, ўзбек халқимизда
минглаб гўзал расм-русумлар бор-
ки, биз шулардан бирини ҳикоя
қилиб, ўз тақлиф-мулоҳазалари-
мизни ихдор қилмоқчимиз.



Эртақ сенга ёқдимиз?



Хаёллар оғушида.

Равил Альбеков олган сурат-лаваҳалари.

Бека

ЗЕБО БЎЛИНГ

Зеболик аёла ярашади. Шу бонс ҳам аёлларимиз-
нинг янада гўзал бўлиши учун куйидаги зеболик сир-
лари ҳам уларга асқотад:

◆ Карам организм учун жуда фойдали сабзавот ҳисоб-
ланади. Карамнинг сувици ажратиб олинг (агар махсус
асбобимиз бўлмаса, уни олдин қирғичдан ўтказиб, кейин
сувици сиқиб олинг). Ҳар кун уйкуга ётишдан олдин
эса юзингизни ювиб, карам сувицидан пахта билан бир те-
кисда юзин



Танловлар

ЗУККОЛАР ИЧУБА ЯГОНА

«Устоз отандек улуғ». Доно халқимизнинг ушбу нақли бежиз айтилмаган. Халқимиз ҳам устозлар машаққатини, масъулиятини, шу билан бирга шарафни касб эгаларидир. Улардан ёш нихонинг мурғак кўнглига илк мартаба илк нурини сочиб, уни эл-юрт учун муносиб фарзанд этиб тарбиялагунга қадар қанчадан-қанча меҳнат, масъулият талаб этилади.



Куни кеча Абдор Хидоятлов номидаги ўзбек давлат драма театрида Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси томонидан «Йил ўқитувчиси» курик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Курик-танловда шахримиздаги еттита — Шайхонтоҳур, Яккасарой, Миробод, Мирзо Улугбек, Чилонзор, Собир Раҳимов туманларидан ғолиб деб топилган ўқитувчилар беллашдилар.

Танлов катнашчилари учта шарт бўйича ўз маҳоратлари, зукколиклари, топқирликларини, ўқувчиларга, фанларга бўлган муҳаббатларини намойиш этишлари лозим эди. Булар — ўз фани тақдироти (ташриф варақаси), педагогик муаммоларни ҳал қилиш, эркин мавзу каби шартлардан иборат бўлди.

— Хар йили «Йил ўқитувчиси» курик-танлови ўтказиш

анъанага айланиб қолмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев. — Фарзандларимизнинг соғлом фикрли, ҳар томонлама етук, билимли ва тарбияли бўлишлари ўқитувчиларимиз бераётган таълим-тарбияга ҳам бевосита боғлиқ. Бугун 11 та туманларда ўтказилган қизгин беллашувда ғолиб деб топилган 7 нафар ўқитувчи ўз маҳорат ва билимларини намойиш этишди. Албатта, мана шундай курик-танловларнинг ўтказилиши ёшларимизни илм нуридан баҳраманд этаётган устоз-мураббийларга ҳамма шараф бўлади. Ўз устида мунтазам ишлашни, устоз деган табарруқ номга муносиб бўлишдек масъулиятни юклайди.

Нихот ҳаяжонли дамлар этиб келди. Ҳакамлар ҳайратидан донолик, сезгирлик, зийраклик, зукколик билан берилган жавобларни юқори баҳолаб, юқори балл тўплаган Юнусобод тумани 70-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Ғаниевани ғолиб деб топдилар ва у танловнинг республика босқичида қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

Курик-танлов иштирокчиларига Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси томонидан «Халқ таълими фидойиси» унвони ва кўрак нишони тақдим этилди. Ҳамийларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Курик-танловда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрнazarов қатнашди.

ШОНРА МУҲАМЕДОВА. СУРАТЛАРДА: курик-танловдан лавҳа; чапдаги суратда танлов ғолибаси Дилфуза Ғаниева. Тохир Нигматуллин олган суратлар.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ЎҚУВЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Соғлом авлод йилида ёшларни баркамол ва чиниққан ҳолда камол топтириш борасида яна бир муҳим қадам ташланди — шаҳримиздаги МХСК ўйингоҳида Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус касб-хунар таълими ўқув юрталари ўқувчиларининг I-Республика оммавий спорт мусобақаларининг дастлабки турида енгил атлетика бахслари бўлиб ўтди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, ўқувчиларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш учун уларни спортга оммавий жалб қилиш, спорт соҳасидаги ютуқларини янада ошириш, Республика терма жамоаларини тўлдирish учун қобилиятли спортчиларни аниқлашдек хайрли мақсадларни қўлаб ил бор ташкил этилаётган ушбу мусобақаларда ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида таълим олаётган ўқувчилар баскетбол, волейбол, гандбол, Фарғонача ва Бухороча кураш, стол тенниси, футбол, шахмат, шашка, енгил атлетика ва теннис бўйича беллашдилар.

Спорт қироличаси бўлиш енгил атлетика бўйича мусобақаларда республикамизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан уч юзга яқин энг иқтидорли ўқувчилар ва қизлар ўзаро беллашдилар.

Эр муҳими, ўқувчилар ва қизлар кўп сонли иштирокчиларнинг қўлаб-қувватлашлари остида анчагина юқори натижаларни

кўрсатдилар. Финал мусобақаларидан сўнг 860 метрга югуришда қизлар ўртасида Василиса Войтенко, ўқувчилар ўртасида Комил Нигматуллаев, баландлик сакраш бўйича Ильяз Маматшоева ва Александр Кузин, 1500 метрга югуришда Фазлиддин Саидов ва Василиса Войтенко, 100 метрик масофада Заур Мамедов ва Елена Хачимизова, граната улоқтиришда Шербек Умаркуловлар ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди. Барча ғолиб ва совриндорлар фахрий ёрликлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Стол тенниси ва шахмат бўйича мусобақалар ҳам шаҳримиз ўйингоҳларида ўтказилди.

Даврон ИСМАТОВ.

РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

Корея Республикасининг Пусан шаҳрида сузиш бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақаларда қатнашган ҳамюртимиз Ровил Ночоев сузишнинг баттерфляй услуби бўйича 100 метрик масофага 55 сонияда ўнчинчи бўлиб етиб келди. Осиё чемпионатининг бронза медали совриндори Ровил Ночоевнинг ушбу муваффақияти бу борадаги Ўзбекистон рекордини янгиледи.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ.



КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎРТАСИДА

Куни кеча Тошкент шаҳар қурилиш-коммунал касб-хунар коллежи спорт ишқибозлари билан гаўжум бўлди. Бу ерда стол тенниси бўйича ўрта махсус касб-хунар таълими ўқув юрталари ўқувчи ёшларининг республика I спартакиадасининг очилиш маросими бўлди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган ёш спортчилар ва мураббийлар қатнашдилар.

Мов, Давлат спорт қўмитасининг раиси Баҳодир Махситовлар ушбу беллашувни ўтказишда мақсад бугунги ёшларни ҳар томонлама соғлом авлод қилиб тарбиялаш ва улардаги тетиклик, бардамлик ва фаолликни янада оширишдан иборат эканлигини алоҳида таъкидладилар. Бинобарин, Ўзбекистон келажатининг буюклиги маънавий ва жисмоний соғлом фарзандларнинг бугунги хатти-ҳаракатларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Маросимда сўзга чиққанлар спартакиада катнашчиларига зафар тилладилар. Шундан сўнг мазкур коллеж қошида ташкил этилган «Эркин» қаратэ жамоаси вакиллари ва «Сана» рақс дастаси раҳбарларининг чиқишлари спорт байрамига ўзгача шукҳ бахш этди.

Маълумки, ҳозир ҳамма жойда «Со-

ғлом авлод» давлат дастурига мувофиқ спортнинг барча турига эътибор қўйилганлигида. Стол тенниси бўйича республика спартакиадасининг ўтказилиши ушбу фикримизнинг ёрқин далилидир. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 120 дан ортиқ вакил қатнашган ушбу спартакиада мусобақалари кеча муваффақият билан якунланди. Ғолиблар табиийки, ўз маҳоратларига яраша рағбатлантирилдилар.

(Ўз мухбиримиз).

СУРАТЛАРДА: стол тенниси бўйича республика I спартакиадасидан лавҳалар.

Сергей Любич олган суратлар.

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Шаҳримиз волейболчи қизларининг халқаро майдондаги ютуқлари кейинги пайтларда ишқибозларни беҳад қувонтирмоқда. Яқинда ана шундай қувончли воқеанинг шохиди бўлди.

Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида «Salon pas» Кубоги учун беллашувлар бўлиб ўтди. Клублар ўртасида Осиё чемпионати ҳисобидан ишқибозчи бўлиб мусобақаларда саккизтадан аёллар ва эркеклар жамоалари иштирок этди.

Жисмоний тарбия институтининг СКИФ жамоаси чекка иккита Вьетнам, Малайзия жамоалари тушиди. Барча рақибларини чиройли тарзда доғда қолдирган ҳамшахрларимиз ярим финалда йўлланма оlishди. Ушбу беллашувда ҳам Вьетнамнинг «Лон АН Текстил» командасини 3:1 ҳисобида енгитган СКИФ қизлари Кубок учун баҳслашмиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Финал беллашуви ҳам шиддатли кечди. Таиланд командаси билан ўрашган волейболчи қизларимиз дастлабки партияни 10:25 ҳисобида бой берган бўлсада, сўнг майдонда тенглик юзага келди — 25:21. Қолган партияларни ўз фойдасига ҳал этган таиландликлар 3:1 ҳисобида ўстун келган ҳолда «Salon pas» Кубогини қўлга киритишди.

Бизнинг қизларимизга эса қумуш нишонлар ва учта номдаги мукофотлар насиб этди. Хусусан, СКИФ вакили 18 ёшли Екатерина Жаҳонгирова «Мисс волейбол», яъни турнирнинг энг яхши ўйинчиси номини қўлга киритиш билан бир қаторда «Энг яхши либеро» ҳам бўлди. Жамоанинг энг тажрибали ўйинчиси Евгения Шмитовага эса «Энг яхши тўп оширувчи» соврини насиб этди. Волейболчиларимиздан Светлана Ашуркова, Татьяна Величко, Оксана Рублева, Ирина Шмуратко, Полина Збаровская, Ирина Широнова ҳам жамоамиз муваффақиятига катта ҳисса қўшдилар.

— Шмитова, Ашуркова, Збаровская каби тажрибали

ўйинчиларни истисно қилганда жамоамиз 18-19 ёшли талабалардан ташкил топган, — дейди СКИФ жамоасининг бош мураббийси Леонид Айрапетянц. — Улар учун бу турнир халқаро тажриба ортиштириш борасида катта маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Энг муҳими Таиланд, Малайзия, Индонезия ва Вьетнам волейбол федерациялари билан аёллар ва эркеклар жамоаларини уюштириш тўғрисида келиш-қилиш бўлиб олди. Бу эса волейболчиимизнинг янада ривожланиши, халқаро тажрибала билан бойишида муҳим омил бўлишига шубҳа йўқ.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ТЕНДЕРГА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Жаҳон ва Европа тикланиш ва тараққиёт банклари томонидан маблағлаштирилган «Тошкент шаҳар санитар тозалаш тизимини тақомиллаштириш» Лойиҳасини амалга оширишда ва ўз маблағи ҳисобига қуйидаги шартнома асосида ишларни амалга ошириш истагини билдиради:
Лот-1: Шаҳар турар жойлари ҳудудида 6450 донга темир-бетон модулларидан иборат 1350 донга чиқиндиларни тўплаш учун мўлжалланган майдончаларни қуриш.
2. Ушбу билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳаллий пудратчи ташкилотларни, уларнинг мулкчилик шакли ва қайси идорага қарашлилигидан қатъи назар, қайд этилган сондаги майдончаларни қуриш бўйича Тендер тақлифларини ёпишган ҳолда тақдим этишларини сўрайди. Тендер тақлифлари бажариладиган ишларнинг тўлиқ ҳажмига тақлифчилик керак.
3. Қатнашувчилар қуйидаги манзил орқали қўшимча маълумот олишлари ва Тендер ҳужжатлари билан танишишлари мумкин:

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи.

Манзил: 700027, Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги майдони, 1-а уй, 3-қават, 47-хона.

Телефон: 144-48-49; Факс: 133-25-07.

4. Қатнашиш истагини билдирганлар Тендер ҳужжатлари тўлиқ жамламасини қайд этилган манзилдан ёзма равишда мурожаатнома топшириш орқали ва Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият Министрлигининг Бош амалиёт бўлими қошида МФО 00407, ABRAXSYS тизимидagi мижоз сони 227927 (SWIFT қоди NBFA UZ 2X). Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Бош инвестиция бошқармаси номига очилган № 2021000050054928002 сонли ҳисоб рақамга 10 000 сум миқдорда пул ўтказиш орқали харид қилиб олишлари мумкин.

5. Барча тақлифлар қайд этилган манзилга 2000 йилнинг 25 май кўни роппа роса соат 12.00 да ёки ундан аввал топширилиши керак.

6. Тўлиқ тақлифлар 2000 йилнинг 25 май кўни соат 12.00 да иштирок этиш истагини билдирган қатнашувчиларнинг муҳтор ҳодимлари ҳузурида, Лойиҳани амалга ошириш гуруҳининг қуйидаги манзилдаги идорасида очилади:

700027, Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги майдони, 1-а уй, 3-қават, 47-хона.

Телефон: 144-48-49; Факс: 133-25-07.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.

Намр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.

Қўзғалдири А-2

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Босмага топшириш вақти 11.30

Мен кимман? Қандай одамман?

ШАХС СИФАТИДА ЎЗИНГИЗНИ БАҲОЛАНГ

Шу номли тестимиз уч гуруҳ саволлардан иборат эканлигини таъкидлаб ўтгандик. «Оқшом»нинг олдинги сонларида сиз биринчи ва иккинчи гуруҳ саволларининг натижаларини ҳам чиқариб қўйгансиз деган умиддамиз. Энди учинчи гуруҳ саволларини эътиборингизга савола этамиз. Уларга берган жавобларингиз ҳамда улар асосида тўплаган балларингиз асосида ўзингизга ўзингиз берадиган баҳо янада тўлароқ бўлишига эришасиз. Ўзингиздан ўзингиз розимисиз? — учинчи гуруҳ саволларини шартли равишда мундай номлаш мумкин.

Шундай қилиб, саволларга ўтамыз. Уларга «Ха» ёки «Йўқ» деб жавоб бера-сиз.

1. Бугун кун ёки тўғри ёлғиз ўтказишингизга тўғри келишини ўйлашингизда ёлғизингизга титроқ қирадими?

Ха Йўқ

2. Ёлғиз қолган пайтларингизда ҳамма ҳам бирон нарсани тамадди қилиш ёки ичиш истаги бўладими?

Ха Йўқ

3. Ёлғиз қолганингизда шугулланишингиз мумкин бўлган ўзингиз қизиққан машғулотингиз борми?

Ха Йўқ

4. Зерикганингизда ёки қандайдир но-хуш ҳолатга тушиб қолганингизда тезроқ ух-лаб қолишга уринасизми?

Ха Йўқ

5. Ўзингиз ёлғиз қолишни истаган пайт-ларингиз бўладими?

Ха Йўқ

6. Муҳим сабаб бўлмагани ҳолда одам-ларга тез-тез кўнграб қилиб турасизми?

Ха Йўқ

7. Ҳеч кимга кўрсатмаган бўлсангиз ҳам қачонларидир ўзингизга ёқиб қолган шөвр ёки ҳикоя ёзишингизга тўғри келганми?

Ха Йўқ

8. Сизга ўз ишхонангиз, мактаб ёки кол-лежингиз (ўйингиз), дўстлар давраси ёқадими?

Ха Йўқ

9. Каергадир кетаётганингизда ёки дўхонлар бўйлаб айланиб юрганингизда, мабодо ёнингизда ҳеч ким бўлмай қолса, — ўзингизни бахтсиз одам деб ҳисоблайсизми?

Ха Йўқ

10. Сиз телевизор ёки радионинг бор овозини қўйиб эшитасизми?

Ха Йўқ

Энди жавобларингиз натижаларини ҳисобланг — ҳар бир тўғри жавобга 1 балл олсиз:

1. Йўқ 4. Йўқ 7. Ха 10. Йўқ

2. Йўқ 5. Йўқ 8. Ха

3. Ха 6. Йўқ 9. Йўқ

Агар тўплаган балларингиз 8 дан ошиб кетса — демак, сиз мустақил одамсиз ва ўзингиз ўзингиздан розисиз. Мабодо, сиз 8-саволни ўтказиб юборган бўлсангиз — унда, эҳтимол, сиз бошқалардан кўп нарсаларни талаб қиласиз.

Агар тўплаган балларингиз 5-7 атрофида бўлса — демак, сиз ўз атрофингиздагилардан мамнун экансиз. Эҳтимол, ўрганиб кет-ган одатингизга кўра, ёнингизда одам бўлмаганда ўзингизни ёлғиз ҳис этишингизга сабаб бўлаётгандир.

Мабодо, сиз учинчи саволга жавоб бермаган бўлсангиз — ўзингизни қийнаётган муаммонинг сабаби балки шундадир.

Агар 2-4 балл тўплаган бўлсангиз — унда сиз тиниб-тинчимас одамсиз ва ўз ички қў-ларингизни бошқалардан олсиз. Сиз қўччилик даврасида қилиниши зарур бўлган ишларни ажойиб қилиб бажарар экансиз. Лекин баъзида холи қолиш қувончларидан ҳам бохабар бўлсангиз — зарари тегмайд.

Мабодо иккитадан кам балл тўплаган бўлсангиз — нима бўлса ҳам ёлғиз қолмас-лик учун сиз оломон ёки шовқин-суронлар ичида қолиб кетишга ҳам тайёрсиз! Хар кун бир неча дақиқага ёлғиз қолиб, китоб му-толаа қилишга, хат ёзиш ёки бошқа ўзингиз севган машғулот билан шугулланишга ҳаракат қилинг. Хар ҳафта ана шу вақтни уяйтириб бординг. Шунда тез орада ўзингиздан ўзингиз рози бўлиб яшаш қанчалик яхшилигини фаҳмлаб олсиз.

Мухтабар АҲМЕДОВА тайёрлаган.

Эшитдингизми?

ҚУЁШ УЧИШ АППАРАТИ

АҚШлик муҳандис Эрик Раймонд ўн йасаган «Сал Сикер» мотопла-нерда Калифорниядан Шимолий Каролинагача бўлган 6400 километр масофани бир неча мар-та дам олиб учиб ўтди.

Раймонднинг жуда ҳам енгил учувчи аппаратида ҳеч

қандай ёнилғининг кераги йўқ, чунки у аппаратнинг усти-ни фотоэлектрик хусусия-тига эга бўлган юпка плёнка билан қоплади. Натижада қуёш энергияси ҳаво винти-ни ҳаракатга келтириб, учу-ви аппарат юқорига осон кўтарилади. Маълум баланд-ликдан кейин ҳаво винти тўхтатилиб, оддий плайнер

каби ўз парвозини керакли йўналишда давом эттиради. Яъни, ҳаво оқими уни ҳара-катлантиради. Фақат қуёш чиқиб турганда осмонга пар-воз қилиш мумкин. Қўнчида қуёш энергиясининг кераги йўқ. Булуғли шароитда ҳам бемалол шикастсиз кичик жойга ҳам қўна олади.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД.

Бош муҳаррир

Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:

700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;

эълонлар:

133-28-95, 132-11-39.

факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума

кунлари чиқади.

Намр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.

Қўзғалдири А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари

бўйича турар жойлардаги почта

бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га

— 133-74-05 телефонига мурожаат

қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа

концерни босмахонаси.

Корхона манзили:

«Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.



Муассаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Буюртма Г-277.

Босмага топшириш вақти 11.30

1 2 3 4 5 6